


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

**“ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ”
КАФЕДРАСИ**



**АМАЛИЁТЧИ ПСИХОЛОГЛАР УЧУН АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ
КЎРСАТМА**

ФАРҒОНА -2016

Ушбу методик кўрсатмада характер акцентуациясига психологик нуқтаи назардан қарашлар баён қилинган. Унда характер акцентуацияси классификацияси кўрсатиб ўтилган. Ўқувчиларда агрессив хулққа мойиллик ҳамда унинг мавжудлигини диагностика қилиш, психология фанидаги мавжуд самарали усуллари амалий фаолиятда фойдаланиш учун К.Томас ва Т.Лириларнинг психодиагностик методикалари тавсия этилган. Методик кўрсатма умумий ўрта таълим мактабларининг амалиётчи психологлари учун мўлжалланган.

Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, педагогика, психология ва таълим менежменти кафедрасининг мудир, психология фанлари номзоди, доцент М.Ю.Отажонов, кафедра катта ўқитувчиси И. Тешабоев, кафедра ўқитувчиси Ш. Рустамова.

Такризчилар:

М.Исакова - ФДУ психология кафедраси мудир,
психология фанлари номзоди, доцент.

О.Абдусаматова - Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси.

Методик кўрсатма ФВХТХҚТМОИ Илмий Кенгашининг 2016 йил 4 июлдаги 6-сонли баённомаси қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Психологга ўз фаолиятида кўпроқ характер акцентуацияси бор одамлар билан ишлашга тўғри келади. Характер акцентуацияси – норманинг психопат билан чегарадош вариантыни билдирувчи характер айрим сифат ва сифатлар тўпламининг хаддан ташқари намоён бўлишидир. Характер акцентуацияси психопатлардан уларга хос бўлган учта белгининг бир вақтда намоён бўлмаслиги билан фарқланади. Психопатларда бу белгилар, яъни, вақт мобайнида характернинг стабиллиги, ҳамма вазиятларда ёппасига намоён бўлиши ва ижтимоий дезадаптация (кўниколмаслик) бир вақтда намоён бўлади. Характер акцентуациясида одам психопатга ўхшаб психик жароҳат етказадиган ҳамма таъсирдан ҳам ранжийвермайди, балки айрим, “нозик ерига тегиб кетадиганларига” жавоб бериб, бошқаларига эътиборсиз қолади. Характер акцентуациясининг очик ва яширин (латент) шакллари мавжуд бўлиб, оила тарбияси хусусиятлари, ижтимоий муҳит, касбий фаолият, жисмоний саломатлик каби муҳим рол ўйновчи омиллар таъсирида осонгина бир-бирига ўтиб туриши мумкин. Характер акцентуацияси ўсмирлик даврида шаклланиб, вақт ўтиши билан силлиқланиб, компенсация қилинади. Фақат характернинг “бўш бўғинига” узок вақт таъсир қилувчи мураккаб психоген вазиятлардагина ўсмирда, кейинчалик, ўткир аффектив реакциялар, неврозлар, ҳатто психопатик тараққиёт шаклланиши мумкин.

Характер акцентуацияси мос равишда психопатик бузилиш турлари билан чегарадош бўлганлиги учун, унинг типологияси психиатрияда атрофлича ишлаб чиқилган психопатлар классификациясига асосланади, бироқ бу классификация айни пайтда психик соғлом одам характери хусусиятларини ҳам акс эттиради. Турли классификациялар асосида характер акцентуациясининг қуйидаги асосий типлари ажратилган:

1. **Циклоид** – яхши ва ёмон кайфият фазаларининг турли даврларда алмашиб туриши.

2. **Гипертим** – доимий кўтаринки кайфият, бир йўла бир неча ишга ёпишиш тенденцияси ва фаолият чанқоқлиги билан юқори психик фаоллик, бошланган ишни охирига етказмаслик.

3. **Лабил** – вазиятга қараб кайфиятнинг кескин ўзгариши.

4. **Астеник** – тез толиқиш, жаҳлдорлик, депрессия ва ипохондрияга мойиллик (депрессия – руҳий сиқилиш, ипохондрия - ваҳима).

5. **Сензетив** – юқори таъсирчанлик, ҳадиксирлаш, шахсий тўлақонли эмаслик ҳиссининг кучайганлиги.

6. **Психастеник** – юқори хавотирлилик, бадгумонлик, жураотсизлик, доимий шубҳа ва мулоҳаза, ўз-ўзини таҳлил қилишга мойиллик, ритуал ҳаракатлар ва обсессия (иримчилик) тенденцияси.

7. **Шизоид** – бошқалардан ажралиш, яккаланиш, интроверсия, ҳамдардликнинг йўқлиги ва эмоционал контактлар ўрнатишнинг қийинлигида намоён бўладиган эмоционал совуқлик, мулоқот жараёнида интуициянинг етишмаслиги.

8. **Эпилептоид** – (баъзан шафқатсизлик элементлари билан) ғазабдан кутуриш ва қаҳр хуружи кўриниши тарзида намоён бўладиган агрессиянинг тўпланиши билан дарғазаб – ғамгин кайфиятга мойиллик, жанжалкашлик, тафаккурнинг эгилувчанлиги, ғоят даражада педантизм (ўта кетган расмиятчилик).

9. **Тутилиб қолувчи (параноял)** – юқори шубҳаланувчанлик ва касаллик даражасидаги аразчилик, салбий аффектларнинг собитлиги, устунликка интилиш, бошқалар фикрларини қабул қилмаслик натижасида юқори жанжалкашлик.

10. **Намойишкор (инстероид)** – тан олинисга эҳтиёж қониқтирилмаганда “касал бўлиб олиш”, манманлик, қалтис ишларга қўл уриш билиш характерланадиган, ўзига диққатни жалб қилиш учун фойдаланиладиган ёлғончилик, фантазерлик ва муғамбирлик, субъект учун нохуш бўлган факт ва ҳодисаларни сиқиб чиқариш тенденцияси.

11. **Дистим** – тушкун кайфиятнинг устунлиги, депрессияга мойиллик, ҳаётнинг ғамгин ва кайғули томонларига берилиш.

12. **Беқарор** – атрофдагиларнинг таъсирига енгил берилиш мойиллиги, доим янги таассуротлар, давралар қидириш, юзаки характерга эга бўлган осонгина контакт ўрната олиш.

13. **Конформ** – бошқаларнинг фикрларига ҳаддан ташқари боғлиқлик ва бўйсунувчанлик, танқидийлик ва ташаббускорликнинг етишмаслиги, консерватизмга мойиллик.

“Тоза” типлардан фарқ қилиб характер акцентуациясининг аралаш шакллари кўпроқ учрайди. М: бир вақтда бир неча тип хусусиятлари ривожланган оралиқ типлар, характернинг шаклланган структураси устига янги сифатлар қатлами тушиши кўринишидаги, аниқ қонуниятлар асосида ҳосил бўладиган амальгам типлар.

Психологга ҳаётда, айнан норма билан патология оралиғида турган одамлар билан ишлашга тўғри келади. Сир эмас, кўплаб раҳбарлар, менеджерлар, артистлар, рассомлар, ёзувчилар, олимлар у ёки бу психик оғишга эга бўлишган, ўзларининг хулқлари, ножўя қилиқлари ёки ҳаёт фаолиятларининг зид шакллари билан атрофдагиларни лол қолдиришган. Бундай одамлар руҳий соғломлик ва касаллик чегарасида туришади. Улар озодликда оддий одамлардан кескин фарқ қилишади, ихтиёрий ёки қонун йўли билан руҳий касаллар махсус муассасасига тушиб қолишса, улар худди шундай бу ерда ҳам бошқалардан кескин фарқ қилишади.

Таълимнинг умумий ўрта таълим босқичининг юқори синфлари ўсмирликда хулқнинг юқорида санаб ўтилган сифатлари кескин намоён бўлиши даврига тўғри келади. Амалиётчи психологларнинг ўсмирларнинг бу хусусиятларини билишлари, уларда агрессив хулққа мойиллик ҳамда шундай хулқнинг мавжудлигини диагностика қила олишлари, улар билан самарали психопрофилактик ишларни олиб боришларида, шунингдек психологик

маърифатпарварлик йўналишида ота-оналарни фарзандларининг психологик тараққиёт хусусиятларидан бохабар қилишларида асқотади.

Қуйида ўқувчиларда агрессив хулққа мойиллик ҳамда унинг мавжудлигини диагностика қилишнинг, психология фанидаги мавжуд самарали усуллари амалий фаолиятда фойдаланиш учун тавсия қиламиз.

1. К. Томаснинг хулқни тасвирлаш модели

К. Томас зиддиятни бартараф қилишнинг одамлардаги 5 усулини ажратади:

1. Рақобатчилик – бошқаларнинг манфаатларига зид равишда ўз мақсадларига эришишга интилиш.

2. Мослашувчанлик – рақобатчиликка тескари, бошқалар учун шахсий манфаатларини қурбон қилиш.

3. Келишувчанлик – тенг кучли нарса ҳисобига айрим масалаларда ён беришга тайёрлик

4. Зиддиятдан қочиш – айти пайтда ҳам ҳамкорликка интилмаслик, ҳам ўз мақсадларига эришиш тенденциясининг йўқлиги.

5. Ҳамкорлик – зиддиятли вазият иштирокчиларининг ҳар икки томонни қониқтирадиган муқобил қарор қабул қилишлари.

К. Томаснинг фикрича зиддиятдан қочиш билан иккала томон ҳам муваффақиятга эришмайди. Рақобатчилик, келишувчилик ва мослашувчиликда эса бир томон ё ютади, ёки ютқазади, чунки келишиб ён бериш содир бўлади. Фақат ҳамкорликдагина иккала томон ҳам ютади.

К. Томас методикаси кичик гуруҳлар, муваққат ва доимий жамоалар, шунингдек, ўзаро ҳамкорлик ва тушуниш талаб қиладиган фаолият турлари учун одамларни танлаб олишда қўл келади. Сўровнома зиддиятли вазиятда текширилувчи хулқини олдиндан айтиб бериш, янги жамоага шахснинг мослашувчанлиги жараёни йўналишини башорат қилишга имкон беради.

Сўровнома зиддиятли вазиятларда одамлар хулқи типларини аниқлашга мўлжалланган. Ҳар бири иккитадан вариантли 30 та жавобнинг ҳаммасини ҳам белгилаш шарт эмас. Фақат ўзингиз одатланган хулқ шаклига мос келадиган вариантларнигина белгиласангиз кифоя.

Сўровнома матни

1. а) баъзан тортишувли масалани ҳал қилиш учун имкониятни бошқаларга ҳавола қиламан;

б) келиша олмайётган муаммони муҳокама қилгандан кўра, эътиборни фикримиз бир хил бўлган нарсаларга қаратишга интиламан.

2. а) келишувчан қарор топишга ҳаракат қиламан;

б) муаммони ўзим ва рақибимнинг фойдасини кўзлаб ҳал қилишга интиламан.

3. а) одатда ўз мақсадимга эришиш учун қаттиқ интиламан;
б) рақибимни тинчлантиришга, асосийси муносабатларимизни сақлаб қолишга интиламан.

4. а) келишишга ҳаракат қиламан;
б) баъзан рақибимнинг фойдасига ўз манфаатларимдан воз кечаман.

5. а) жанжални бартараф қила туриб, ҳар доим рақибимдан кўмак олишга интиламан;
б) фойдасиз тортишувдан қочиш учун ҳамма нарсани қиламан.

6. а) ўзим учун нохушлик келиб чиқишидан қочаман;
б) ўз мақсадимга эришишга интиламан.

7. а) вақти-соати келгунча келишмовчиликни ҳал қилишни орқага суриб тураман;
б) мақсадимга эришиш учун баози нарсаларда ён беришим мумкин деб ҳисоблайман.

8. а) одатда мақсадимга эришиш учун қаттиқ интиламан;
б) биринчи навбатда тортишувли масалани аниқ тасаввур қилишга ҳаракат қиламан.

9. а) қандайдир келишмовчилик учун ташвиш тортиш шарт эмас деб ўйлайман;
б) мақсадимга эришиш учун бор кучимни ишга соламан.

10. а) айтганим бўлиши учун қаттиқ интиламан;
б) келишишга ҳаракат қиламан.

11. а) биринчи навбатда тортишувнинг моҳиятини яққол тасаввур қилишга ҳаракат қиламан;
б) рақибимни тинчлантиришга, энг муҳими муносабатларимизни бузмасликка ҳаракат қиламан.

12. а) кўпроқ тортишувдан қочишга ҳаракат қиламан;
б) агар рақибим ҳам мени тушунса, унга айрим масалаларда ўз фикрида қолишига имкон бераман.

13. а) ўртача қарорни таклиф қиламан;
б) айтганимдек бўлишини талаб қиламан.

14. а) рақибимга ўз фикримни баён қилиб, унинг қарашларини сўрайман;

б) рақибимга ўз қарашларимнинг мантиқий ва устун эканлигини кўрсатишга интиламан.

15. а) рақибимни тинчлантиришга ва муҳими, муносабатларимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиламан;

б) кескинликдан қочиш учун ҳамма нарсани қиламан.

16. а) рақибимнинг иззат-нафсига тегмасликка ҳаракат қиламан;

б) рақибимни ўз позициянинг устунлигига ишонтиришга ҳаракат қиламан.

17. а) ўз айтганимга эришишга қаттиқ интиламан;

б) фойдасиз кескинликдан қочиш учун ҳамма нарсани қиламан.

18. а) агар рақибим шундан бахтли бўлса, унинг ўз айтганида қолишига имконият бераман;

б) рақибим мени тушунса, унга айрим масалаларда ўз фикрида қолишига имкон бераман

19. а) биринчи ўринда келишмовчилик нимадан иборат эканлигини аниқлашга ҳаракат қиламан;

б) вақти соати келгунча жанжални ҳал қилишни орқага суриб тураман.

20. а) келишмовчилигимизни дарҳол бартараф қилишга ҳаракат қиламан;

б) рақибим ва ўзим учун фойда ва зарарнинг бир хил бўлишига интиламан.

21. а) музокара олиб бораётганда рақибнинг истакларига қулоқ солишга интиламан;

б) ҳар доим масалани очиқ муҳокама қилишга мойилман.

22. а) ҳар доим рақибим билан ўртача қарорга келишга интиламан;

б) ўз истакларимни ҳимоя қиламан.

23. а) одатда рақибим иккалаимизнинг истакларимиз бир хил қондирилиши хусусида қайғураман;

б) баъзан тортишувни ҳал қилишни рақибимнинг ҳукмига ҳавола қиламан.

24. а) агар рақибимга бу позиция жуда муҳим бўлиб кўринса, унинг истакларига ён беришга ҳаракат қиламан;

б) рақибимни келишувчанлик зарурлигига ишонтиришга ҳаракат қиламан.

25. а) рақибимга ўз қарашларимнинг мантикий устунлигини кўрсатишга интиламан;

б) музокара олиб бораётганда рақибимнинг манфаатларини қадрлайман.

26. а) ўртача қарорни қабул қиламан;

б) одатда рақибим иккаламизнинг ҳам истакларимиз қондирилиши ҳақида қайғураман.

27. а) кўп ҳолларда жанжалдан қочишга ҳаракат қиламан;

б) шундан бахтли бўлса, рақибимга ўз фикрида қолишига имконият бераман.

28. а) одатда ўз айтганимга эришишга интиламан;

б) вазиятни бартараф қила туриб, рақибимдан кўмак олишга ҳаракат қиламан.

29. а) ўртача позицияни таклиф қиламан;

б) қандайдир келишмовчиликлар учун ташвишланиш керак эмас, деб ҳисоблайман.

30. а) рақибимнинг иззат-нафсига тегмасликка ҳаракат қиламан;

б) тортишувда ҳар доим рақибим билан бирга муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган позицияни эгаллашга ҳаракат қиламан.

Сўровноманинг хусусиятларни аниқлаш калити

№	Рақобатчилик	Ҳамкорлик	Келишувчан-лик	Зиддиятдан қочиш	Мослашиш
1			а	б	
2		б	а		
3	а				б
4			а		б
5		а		б	
6	б			а	
7			б	а	
8	а	б			
9	б			а	
10	а		б		
11		а			б
12			б	а	
13	б		а		
14	б		а		
15				б	а

16	б				а
17	а			б	
18			б		а
19		а		б	
20		а	б		
21		б			а
22	б		а		
23		а		б	
24			б		а
25	а				б
26		б	а		
27				а	б
28	а	б			
29			а	б	
30		б			а

Жавоблар варақаси

Фамилиянгиз _____ Исмिंगиз _____
 Отангизнинг исми _____ Синфингиз _____

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
а	б	а	б	а	б	а	б	а	б
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
а	б	а	б	а	б	а	б	а	б
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
а	б	а	б	а	б	а	б	а	б

Сана _____

Имзо _____

2. Агрессив ҳолатлар диагностикаси

1. Ўзгаларга ёмонлик қилишдан ўзимни тўхтата олмайман.
2. Ўзим ёмон кўрган одамлар ҳақида миш-миш тарқатаман.
3. Тез жиззакилик қилиб, тез совийман.
4. Яхшилик билан илтимос қилмаса, бировнинг айтганини қилмайман.
5. Ўзимга тегишли нарсани ҳар доим ола олмайман.
6. Мен ҳақимда орқаваротдан гапирадиганлар ҳам бор.
7. Айрим ўртоқларимнинг хулқини ёқтирмаслигимни ўзларига билдириб қўяман.

8. Бировни алдаганим учун виждонан қийналаман.
9. Бировни ура олмайман.
10. Менинг идишларни синдириб юборадиган даражада жаҳлим чиқмайди.
11. Бировларнинг камчиликларини кечира оламан.
12. Турли хил қоидаларни бузишни ёқтираман.
13. Бошқалар «темирни қизиғида босишни» билишади.
14. Мен билан яхши муносабатда бўлганлар билан ҳам сал хуркиброк (эҳтиёткоррок) муомала қиламан. Сир бермайман.
15. Кўп ҳолда бошқаларнинг гапига кирмайман.
16. Баъзан менга шундай фикрлар келадики, улардан уяламан.
17. Агар биров мени урса унга жавоб бера олмайман.
18. Жаҳлим чиққанда эшикни тарақлатиб ёпиб кетишим мумкин.
19. Бировлар ўйлаганидан ҳам ортиқроқ жиззакиман.
20. Ким ўзини катта тутса, ўша билан олишгим келади.
21. Ўз тақдиримдан ичим чиқмайди.
22. Мени кўпчилик ёқтирмайди.
23. Агар биров гапимга тескари гапирса, у билан охиригача тортишаман.
24. Ишдан ўзини олиб қочадиган одам ўзини айбдор сезиши керак.
25. Агар биров менинг ва оиламнинг қадрини ерга урса, у билан муштлашаман.
26. Кўпол ҳазил қила олмайман.
27. Агар биров менинг устимдан кулса, уни эзиб, йўқотиб юборгим келади.
28. Ким ўзини катта олса, мен уни жойига қўйиб қўя оламан.
29. Доим, ҳафтада ҳеч бўлмаса бир марта ўзим ёқтирмаган одамни кўриб тураман.
30. Кўпчилик менга ичиқоралик қилади.
31. Бировлар мени ҳурмат қилишини хоҳлайман.
32. Ота-онамга кўп яхшилик қила олмаганимдан афсусланаман.
33. Йўлдан адаштириб турадиган одамларнинг бурнига қаттиқ чертиб юборгим келади.
34. Ёмонликдан ҳеч қачон қовоғимни солиб ўтирмайман.
35. Сўзимга ва қилмишимга яраша жавоб беришса хафа бўлмайман.
36. Биров менинг «жонимга тегса» ҳам унга аҳамият бермайман.
37. Ҳеч қачон бировга ҳасад қилаётганимни сездирмайман.
38. Баъзан одамлар менинг устимдан кулаётганини сезиб тураман.
39. Жаҳлим чиқса ҳам сўкинмайман.
40. Гуноҳларимни кечиришларини хоҳлардим.
41. Агар мени биров урса, баъзан жавоб қайтараман.
42. Агар мени айтганим бўлмаса, хафа бўламан.
43. Баози кишиларни кўрсам, жаҳлим кўзийди.
44. Мени ҳақиқатан ҳам жуда ёмон кўрадиган одамим йўқ.
45. Менинг принципим «бегоналарга ишонма!».

46. Ким менинг жонимга тегса, ўзи ҳақида мендан кўп гаплар эшитади. Аяб ўтирмайман.
47. Жуда кўп ишлар қиламан, лекин шу қилган ишларимдан афсусланиб юраман.
48. Жаҳлим чиқса, бировни уришим ҳам мумкин.
49. Болалик даврларимда жаҳлим чиқиб, ўт олиб кетган эмасман. Доим бир кирда, бир сирда турганман.
50. Портлаб кетадиган порох тўла бочкага ўхшайман, ёрилиб кетгим келади.
51. Мен билан бирга ишлаш қийинлигини одамлар билса эди.
52. Одамлар менга сирли сабабларга кўра тавозе кўрсатишади, атрофимда парвона бўлишади.
53. Агар менга бақириса, мен ҳам бақира оламан.
54. Омадсизлик мени хафа қилади.
55. Бошқа одамларчалик бўлмаса ҳам ҳар ҳолда биров билан уришиб тураман.
56. Жаҳлим чиққан пайтда қўлимга кирган нарсани отиб юборган пайтларим бўлган.
57. Баъзан муштлашишга тўғри келса, биринчи бўлиб бошлагим келади.
58. Ҳаёт мени нотўғри тақдирларга рўпара қияпти.
59. Илгари ҳамма одамлар тўғри гапиришади, деб ўйлар эдим. Ҳозир эса бунга ишонмайман.
60. Жаҳлим чиққанда заҳримни бировга соча оламан.
61. Агар нотўғри иш қилсам, виждоним қийналади.
62. Агар менга ўз хулқимни ҳимоя учун жисмоний куч ишлатишга тўғри келса, куч ишлата оламан.
63. Баъзан столга уриб гапиришим ҳам мумкин.
64. Ўзимга ёқмаган кишига кўпол гапиришим мумкин.
65. Менга зиён қиладиган душманларим йўқ.
66. Мен бировнинг бемаза гапини эшитиб, билиб турсам ҳам, ўша одамни гап билан жойига обориб қўёлмайман.
67. Нотўғри ҳаёт кечиряпман, хато яшаяпман, бошқача яшашим керак эди, деб кўп ўйлайман.
68. Мени муштлашишга олиб борадиган одамлар дўстларим орасида борлигини биламан.
69. Мен майда-чуйдадан хафа бўлмайман.
70. Мени бировлар менсимайди, деб жуда кам ўйлайман.
71. Кўп дўқ-пўписа қиламан, лекин ўша дўқ-пўписамни амалга оширмайман.
72. Кейинги пайтларда минғир-минғир қиладиган бўлиб қолганман.
73. Агар биров билан гап талашиб қолсам, овозимни баландлата оламан.
74. Бировга уни ўлгидай ёмон кўришимни билинтирмайман.
75. Тортишиб ўтиргандан кўра «хўп» деб қўя қолишни афзал кўраман.

Жавоблар калити:

1. Жисмоний агрессия.

1, 25, 31, 41, 48, 55, 62, 68, – Ҳа.
9, 7 – Йўқ.

2. Билвосита агрессия.

2, 10, 18, 34, 42, 56, 63 – Ҳа.
26, 49 – Йўқ.

3. Жаҳллилик.

3, 19, 27, 43, 50, 57, 64, 72 – Ҳа.
11, 35, 69 – йўқ.

4. Негативлик (салбийлик).

4, 12, 20, 29 – Ҳа.
36 – Йўқ.

5. Хафа бўлиш.

5, 13, 21, 29, 37, 44, 51, 58 – Ҳа.

6. Ёлғон гумонсираш.

33, 66, 74, 75 – Ҳа.
6, 14, 22, 30, 38, 45, 52, 59 – Йўқ.

7. Вербал агрессия (сўқиниш).

7, 15, 23, 31, 46, 53, 60, 71, 73 – Ҳа.
33, 66, 74, 75 – Йўқ.

8. Гуноҳкорлик ҳисси.

8, 6, 24, 32, 40, 47, 54, 61, 67 – Ҳа.

Жавоблар варақаси

Фамилиянгиз _____ Имингиз _____
Отангизнинг исми _____ Ёшингиз _____
Маълумотингиз _____ Касбингиз _____

1. Ҳа. Йўқ.	23. Ҳа. Йўқ.	45. Ҳа. Йўқ.	67. Ҳа. Йўқ.
2. Ҳа. Йўқ.	24. Ҳа. Йўқ.	46. Ҳа. Йўқ.	68. Ҳа. Йўқ.
3. Ҳа. Йўқ.	25. Ҳа. Йўқ.	47. Ҳа. Йўқ.	69. Ҳа. Йўқ.
4. Ҳа. Йўқ.	26. Ҳа. Йўқ.	48. Ҳа. Йўқ.	70. Ҳа. Йўқ.
5. Ҳа. Йўқ.	27. Ҳа. Йўқ.	49. Ҳа. Йўқ.	71. Ҳа. Йўқ.
6. Ҳа. Йўқ.	28. Ҳа. Йўқ.	50. Ҳа. Йўқ.	72. Ҳа. Йўқ.
7. Ҳа. Йўқ.	29. Ҳа. Йўқ.	51. Ҳа. Йўқ.	73. Ҳа. Йўқ.
8. Ҳа. Йўқ.	30. Ҳа. Йўқ.	52. Ҳа. Йўқ.	74. Ҳа. Йўқ.
9. Ҳа. Йўқ.	31. Ҳа. Йўқ.	53. Ҳа. Йўқ.	75. Ҳа. Йўқ.
10. Ҳа. Йўқ.	32. Ҳа. Йўқ.	54. Ҳа. Йўқ.	
11. Ҳа. Йўқ.	33. Ҳа. Йўқ.	55. Ҳа. Йўқ.	
12. Ҳа. Йўқ.	34. Ҳа. Йўқ.	56. Ҳа. Йўқ.	

13. Ҳа. Йўқ.	35. Ҳа. Йўқ.	57. Ҳа. Йўқ.	
14. Ҳа. Йўқ.	36. Ҳа. Йўқ.	58. Ҳа. Йўқ.	
15. Ҳа. Йўқ.	37. Ҳа. Йўқ.	59. Ҳа. Йўқ.	
16. Ҳа. Йўқ.	38. Ҳа. Йўқ.	60. Ҳа. Йўқ.	
17. Ҳа. Йўқ.	39. Ҳа. Йўқ.	61. Ҳа. Йўқ.	
18. Ҳа. Йўқ.	40. Ҳа. Йўқ.	62. Ҳа. Йўқ.	
19. Ҳа. Йўқ.	41. Ҳа. Йўқ.	63. Ҳа. Йўқ.	
20. Ҳа. Йўқ.	42. Ҳа. Йўқ.	64. Ҳа. Йўқ.	
21. Ҳа. Йўқ.	43. Ҳа. Йўқ.	65. Ҳа. Йўқ.	
22. Ҳа. Йўқ.	44. Ҳа. Йўқ.	66. Ҳа. Йўқ.	

3. Т. Лирининг шахслараро муносабатларни диагностика қилиш методикаси

Сизнинг олдингизда турли тафсиғномалардан иборат саволнома турибди. Ҳар бирини диққат билан ўқиб чиқиб, унинг сизнинг ўзингиз ҳақингиздаги тасаввурларингизга қанчалик мос келишини ўйланг. Агар мос келса жавобларни қайд этувчи махсус жадвалдаги жавобингизнинг тартиб рақамига мос келувчи катакдаги рақамни кесишган чизик билан белгиланг. Агар йўқ бўлса жадвалга ҳеч қандай белги қўйманг. Имкони борида диққатлироқ бўлишга ва очиқ жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Шундай қилиб сиз қандай одамсиз?

1. Ёқимли бўлишни уддалайсиз	66. Нуфузли одам сифатида таассурот уйғотасиз.
2. Атрофдагиларда ёқимли таассурот уйғотасиз.	67. Кеккайган – буйруқбозсиз.
3. Кўрсатма, буйруқ беришни уддалайсиз.	68. Ҳукмини ўтказадигансиз.
4. Ўз фикрингизда туришни уддалайсиз.	69. Мақтанчоқсиз.
5. Ўз қадрингизни биласиз.	70. Димоғдор ва ўзига бино қўйгансиз.
6. Мустақилсиз.	71. Фақат ўзингиз ҳақингизда ўйлайсиз.
7. Ўз ғамингизни ўзингиз ейсиз.	72. Айёрсиз.
8. Бефарқ бўла оласиз.	73. Бошқаларнинг хатоларига тоқат қилолмайсиз.
9. Қаттиққўл бўла оласиз.	74. Эҳтиёткорсиз.
10. Талабчан, лекин адолатлисиз.	75. Кўнгли очиксиз.
11. Самимий бўла оласиз.	76. Кўпроқ бадкўнгилисиз.
12. Бошқаларга танқидий муносабатда бўласиз.	77. Ўқрайгансиз, дарғазабсиз.
13. Зорланишни яхши кўрасиз.	78. Шикоятчисиз.
14. Кўп қайғурасиз.	79. Рашкчисиз.
15. Шубҳаланишга қодирсиз.	80. Кек сақлайсиз.
16. Кўп ҳафсалангиз пир бўлади.	81. Ўқинишга мойилсиз.

17. Ўзингизга танқидчан муносабатда бўлишга қодирсиз.	82. Тортинчоқсиз.
18. Ўзингизнинг ноҳақлигингизни тан олишга қодирсиз.	83. Ташаббуссизсиз.
19. Жон-жон деб бўйсунасиз.	84. Ювошсиз.
20. Кўнгилчансиз	85. Тобе, эрксиз, мустақил эмассиз.
21. Яхшилиқни биласиз.	86. Бўйсунитишни яхши кўрасиз.
22. Қойил қолиш ва тақлид қилишга мойилсиз	87. Қарор қабул қилишни бошқаларга ҳавола қиласиз.
23. Иззатлисиз.	88. Осон панд ейсиз.
24. Мақтов олишга интиласиз.	89. Дўстлар таъсирига осон бериласиз.
25. Ҳамкорлик, ўзаро ёрдамни уддалайсиз.	90. Ҳар кимга ишонишга тайёрсиз.
26. Бошқалар билан мурося қилишга интиласиз.	91. Суриштирмасдан ҳаммани кўнглингизга яқин оласиз.
27. Хайрихоҳсиз.	92. Ҳаммани ёқтирасиз.
28. Мулойим ва илтифотлисиз.	93. Ҳамма нарсани кечирасиз.
29. Назокатлисиз.	94. Ҳаддан ташқари ҳамдардликка тўлиб тошгансиз.
30. Кўнгилни кўтарасиз.	95. Мурувватли ва хатоларга тоқатлисиз.
31. Ёрдам беришга ҳозирсиз.	96. Ҳаммага ёрдам беришга интиласиз.
32. Беғарасиз.	97. Муваффақиятга интиласиз.
33. Қойил қолдиришни уддалайсиз.	98. Ҳаммадан маъқуллашни кутасиз.
34. Бошқаларнинг ҳурматини қозонгансиз.	99. Бошқаларга хўжайинлик қиласиз.
35. Раҳбарлик талантига эгасиз.	100. Зулми ўткирсиз.
36. Масъулиятни яхши кўрасиз.	101. Атрофдагиларга устунлик ҳисси билан ёндошасиз.
37. Ўзига ишонгансиз.	102. Шухратпарастсиз.
38. Манмансираган ва шиддатлисиз.	103. Худбинсиз.
39. Ишчан, омилкорсиз.	104. Совуқ, дағалсиз.
40. Рақобатчисиз.	105. Заҳарханда, мазахчисиз.
41. Керак жойда матонатли ва чўрткесарсиз.	106. Баджаҳл, бераҳмсиз.
42. Гапга кўнмайдиган, лекин беғарасиз.	107. Кўпроқ серзардасиз.
43. Сержаҳлсиз.	108. Ҳиссиз, лоқайдсиз.
44. Кўнгилдагини яширмайдиган ва дангалсиз.	109. Гина сақлайсиз.
45. Бировнинг буйруқ беришига тоқатингиз йуқ.	110. Фикрларингиз қарама-қаршилиқка тўла, терссиз.
46. Ишонқирамайдигансиз.	111. Қайсарсиз.
47. Сизни ҳайрон қолдириш қийин.	112. Бадгумон ва шубҳаланувчансиз.

48. Аразчан, шубҳаланувчисиз.	113. Юраксизсиз.
49. Осон саросимага тушасиз, хижолат бўласиз.	114. Ийманувчансиз.
50. Ўзингизга ишонмайдигансиз.	115. Хизматга тайёр (лақма) сиз.
51. Гапга кўнадигансиз.	116. Ландовурсиз.
52. Камтарсиз.	117. Деярли ҳеч кимга эътироз билдирмайсиз.
53. Тез-тез бошқалардан ёрдам сўрайсиз.	118. Пашшахўрда, елимсиз.
54. Обрўлиларга сажда қиласиз.	119. Сизга ғамхўрлик қилишларини яхши кўрасиз.
55. Жон-жон деб маслаҳатни қабул қиласиз.	120. Ўта ишонувчансиз.
56. Ишонувчан ва бировларни кувонтиришга интиласиз.	121. Ҳамманинг ихлосига сазовор бўлишга интиласиз.
57. Сертакаллуфсиз.	122. Ҳамма билан мурасасозсиз.
58. Атрофдагиларнинг фикрини қадрлайсиз.	123. Ҳар доим, ҳамма билан дўстонасиз.
59. Мурасасоз ва дилкашсиз.	124. Ҳаммани яхши кўрасиз.
60. Юмшоқ кўнгилсиз.	125. Атрофдагиларга ўта андишалисиз.
61. Меҳрибон, ишонч туғдирадигансиз.	126. Ҳаммани юпатишга интиласиз.
62. Мулойимсиз, раҳмдилсиз,	127. Ўзингизнинг зарарингизга бошқаларга ғамхўрлик қиласиз.
63. Бировларни ғамини ейишни яхши кўрасиз.	128. Ўта меҳрибонлигингиз билан одамларни бузасиз.
64. Сахийсиз.	
65. Маслаҳат беришни яхши кўрасиз.	

Тестнинг жавоб варақаси ва хусусиятларни аниқлаш калити

Фамилиянгиз _____ Исмнингиз _____
 Шарифи _____ Ёшингиз _____
 Маълумотингиз _____ Касбингиз _____

1	33	65	97	I октант
2	34	66	98	
3	35	67	99	
4	36	68	100	
5	37	69	101	II октант
6	38	70	102	
7	39	71	103	
8	40	72	104	
9	41	73	105	III
10	42	74	106	

11	43	75	107	октант
12	44	76	108	
13	45	77	109	IV
14	46	78	110	
15	47	79	111	октант
16	48	80	112	
17	49	81	113	V
18	50	82	114	
19	51	83	115	октант
20	52	84	116	
21	53	85	117	VI
22	54	86	118	
23	55	87	119	октант
24	56	88	120	
25	57	89	121	VII
26	58	90	122	
27	59	91	123	октант
28	60	92	124	
29	61	93	125	VIII
30	62	94	126	
31	63	95	127	октант
32	64	96	128	

Шахслараро муносабатлар диагностикасининг изоҳий матни

I. Октант. Хукмини ўтказувчи бошчилик қилувчи. Оптимист, реакцияси тез, юқори фаоллик, муваффақият мотивацияси. Яққол намоён бўлган ҳукмронлик тенденцияси, ортиқча даъвогарлик, талабкорлик даражаси, енгил ва тез қарор қабул қилиш, фақат шахсий фикрига асосланиш, ташқи муҳит омилларига минимал боғланганлик, экстрове́ртлик. Ҳаракат ва мулоҳазалари фикридан олдин юради «шу ерда ва ҳозирок» типи, ўз-ўзи, ўзини рўёбга чиқариш тенденцияси, атрофдагиларга фаол таъсир кўрсатиш, ҳамма нарсага эришиш позицияси, бошқаларни ўз иродасига бўйсундириш ва орқасидан эргаштиришга интилиш.

II. Октант. Мустақил – устун. Ўзини ниҳоятда қадрлаш, бошқалар билан масофа сақлаш, эгоцентризм – шахсий мақсадлари, кечинмалари, интилишларига боғлиқлик. Ташқи таъсир ва бошқаларнинг кечинмаларига эътиборсизлик, кучли даъвогарлик, талабкорлик даражаси, гуруҳда алоҳида мавқени эгаллашга интилишда намоён бўладиган рақобатчилик ҳиссининг яққол намоён бўлиши. Устунлик, гуруҳнинг умумий мақсадлари ва бошқаларни ўз орқасидан эргаштириш, уларга ўз ғояларини «юктириш»га интилиш билан оз даражада боғланган. Тафаккур услуби ижодий, бир қолипда эмас. Экстрове́ртлик биринчи вариантга нисбатан кам даражада.

Атрофдагиларнинг фикрини танқидий қабул қилади, ўз фикрларини догма даражасига кўтаради, ҳеч бўлмаганда қатъий ҳимоя қилади. Эмоцияларида илиқлик, муомаласида атрофдагиларга мослашув етишмайди. Юқори изланувчанлик фаоллиги мулоҳазалилик билан қўшилиб кетади, кучсиз бўйсунувчанлик.

III. Октант. Дангал – тажовузкор. Установкаларнинг ригидлиги, қотиб қолганлиги, юқори даражадаги беихтиёрлилик билан қўшилиб кетади, мақсадга эришуви қатъийлик, эмоционал жўшқинлик ҳолатида тўпланган тажрибага етарлича таянмаган ҳолдаги ишбилармонлик. Ўзининг ҳақлигига ишонч билан қоришиб кетадиган меъёрдан ташқари адолатпарастлик, ўзига нисбатан танқид ва бошқалар билан қарама-қаршиликда тез амалга ошадиган душманлик ҳисси, мулоҳаза ва муомаласида дангаллик ва самимийлик, шинам-қулай, текширилувчи шахсий обрўсига путур етмайдиган вазиятда тез ўчиб қоладиган ортиқча аразчилик.

IV. Октант. Бадгумон – ишонқирамайдиган. Яккалик, ажралганлик, одамовилик, установкаларнинг қотиб қолганлиги, ўзиникидан ташқари ҳар қандай фикрга танқидий муносабат, кичик гуруҳдаги ўз мавқеидан норозилик, шубҳаланувчанлик, ўзига нисбатан билдирилган танқидий фикрга нисбатан ўта таъсирчанлик, мулоҳаза ва муомаласида ўзига хослик, бошқалар билан ҳисоблашмаслик. Атрофдагиларнинг носамимийлигига ишонч билан боғлиқ бўлган, қотиб қолган ва ўта аҳамиятли хулосалар чиқаришда ҳулқи ва мулоҳазасида шошқалоқлик ва адоватчиликка мойиллик. Бу мойиллик текширилувчидаги одамларнинг ёвузликларига асоссиз ишонч билан изоҳланади; конкрет тажрибага таянадиган системали тафаккур, омилкорлик, реалистик амалиётга асосланиш, катталиikka мойиллик. Унчалик намоён бўлмайдиган ва тўпланмайдиган, лекин шу билан бирга ортиқча кескинлик яратадиган ва ортиб боровчи ажралиб қолишга сабаб бўладиган ўта жанжалкашлик.

V. Октант. Кўнгилчан – тортинчоқ. Касаллик даражасида тортинчоқ, интроверт, пассив, ахлоқ ва виждон масалаларида нозик табиат, бўйсунувчан, ўзига ишонмайдиган, мулоқот қилаётган шериги уни қандай идрок қилаётганлигини англашга ўта мойиллик, муваффақиятсизликдан қочиш мотивациясининг устунлиги ва муваффақият мотивациясининг пастлиги, ўз-ўзига паст баҳо бериш, ҳадиксировчи, ананкаст – устун масъулият ҳисси, ўзидан норози, ҳар қандай муваффақиятсизликда факат ўзини айблашга мойил, осонгина ғамгинлик ҳолатига тушадиган, ўз келажагини пессимистик баҳолаш, ишда ижрочи, саранжом-сариштали, пухта, атрофдагиларнинг диққатини тортиши мумкин бўлган ижтимоий рол ва кенг алоқалардан ўзини тортиш, таъсирчанлик ва гап қайтара олмаслик, ўз камчиликлари ва муаммоларига ҳаддан ташқари диққат эътибор бериш.

VI. Октант. Мўмин қобил – қарам тобе. Ўта ҳадиксировчанлик, муҳитнинг таъсирига ортиқча сезгирлик, бошқалар билан аҳамиятга молик муносабатлар таъсирида шаклланадиган мотивацион йўналишнинг яққол

намоён бўлиш тобелиги, шахсий фикрининг атрофдагилар фикрига тобелиги тенденцияси, илиқ муносабатга ва меҳрибонликка эҳтиёж устун. Ўзига ишонмаслик ўз-ўзига баҳонинг қатъий эмаслиги билан чамбарчас боғланган. Ишдаги ижрочилик ва масъулиятлилик жамоада яхши обрў қозонишга сабаб бўлади, лекин қарор қабул қилишдаги мўртлик, шахсий йўналишининг мослашувчанлиги ва ўзига ишончининг йўқлиги лидер йўлбошчи ролига ўтишига ҳалақит беради. Ортиқча бадгумонлик, атрофдагиларнинг кўполлиги ва эътиборсизликларига таъсирчанлик, мотивацион йўналишининг асоссиз муваффақиятсизликдан ҳадиксираши мослашувчанлик ҳулқини шакллантиради.

VII. Октант. Ҳамкорлик қилувчи – келишувчи. Эмоционал барқарорлик, хавотирчанликнинг юқори ва агрессивликнинг паст даражаси, муҳит таъсирларига дарҳол муносабат билдириш, ўз-ўзига баҳонинг ўзи учун қадрли бўлган одамлар фикрига тобелиги, гуруҳдаги янги фикрга мансубликка, ҳамкорликка интилиш, чексиз шодлик, қаттиқ ҳаяжон ҳолати, атрофдагиларга ҳайрихоҳлигини тўкиб солишга эҳтиёж, гуруҳдаги эътиборли шахслар кўзи олдида эътибор қозонишни қидириш. Бошқалар билан ҳамфикр бўлишга интилиш, ғайратлилик, гуруҳнинг эмоционал кайфиятига таъсирчанлик, айрим юзаки иштиёқлари билан бирга кенг кизиқишлар доираси.

VIII. Октант. Масъулиятли – олий ҳиммат. Ҳулқининг ижтимоий нормаларга эҳтиёжининг яққол намоён бўлиши, шахслараро муносабатларда гармония – уйғунликни идеаллаштиришга мойиллик, ўз эътиқодларини намоён қилишда қаттиқ ҳаяжонланиш, яққол намоён бўлувчи, аслида кўриниб турувчи белгига нисбатан анча юзаки бўлган эмоционал берилувчанлик. Маълумотларни идрок қилиш ва қайта ишлашнинг бадийий типи, тафаккур услуби – яхлит, образли. Турли ижтимоий ролларга енгил кўникиб кетиш, шахсий алоқаларда уддабуронлик, киришимлилик, ҳайрихоҳ самимийлик, ўзини аямаслик, ҳамма одамлар учун фойдали фаолиятга интилиш, раҳм – шафқатлилик, саҳоватпешаликнинг намоён бўлиши, миссионер – даъват қилувчи шахс қиёфаси. Артистлилик – атрофдагиларга ёкиш, уларда ёқимли таассурот уйғотишга эҳтиёж, юқори кескинлик, тарангликни келтириб чиқарадиган, сиқиб чиқарилган, бўйсундирилган муҳолифчилик. Хавотир соматизацияси (организмнинг биологик ҳолатига ўтиши) психосоматик (психик жараёнлар таъсирида пайдо бўладиган) касалликларга мойиллик, ҳулқий реакциялар натижаси сифатидаги вегетатив (ички органлар) дисбаланси – (мувозанатининг бузилиши).

Тестнинг баллар бўйича кўрсаткич калити

Ҳукмини ўтказувчи – бошчилик қилувчи. I октант. 8 баллгача ўзига ишонч, яхши маслаҳатчи, мураббийлик ва ташкилотчилик, раҳбарлик хусусиятларини намоён қилади. 12 баллгача танқидга тоқатсизлик, ўз имкониятларига ошириб баҳо бериш. 12 баллдан юқори мулоҳазаларида

дидактик – панд, насиҳат услуби, бошқаларга буйруқ беришга кескин эҳтиёж, зулми ўткирлик белгилари.

Мустақил – устун. II октант. 8 баллгача шахслараро муносабатларда ўзига ишонган, мустақил, рақобатчи. 12-16 балл оралиғида ўзига бино қўйган яққол намоён бўлган атрофдагилардан ўз устунлигини ҳис қилиш, ўз фикрига эга бўлишга ва гуруҳда бошқалардан ажралиб туришга мойиллик.

Дангал – тажовузкор. III октант. 8 баллгача самимийлик, соддадиллик, мақсадларига эришишда қатъийлик, 8-16 баллгача ортиқча ўжарлик, нохайрихоҳлик, тийиқсизлик ва жиззакилик.

Бадгумон – ишонқирамайдиган. IV октант. 8 баллгача мулоҳазалар ва ҳаракатларнинг амалийлиги, ишонқирамаслик ва мурасасизлик, юқори (8-16) балларда атрофдагиларга нисбатан бадгумонлик ва аразчилик, яққол намоён бўлувчи танқидчилик, атрофдагилардан норозилик ва шубҳаланувчанликка ўсиб ўтади.

Кўнгилчан – тортинчоқ. V октант. 8 баллгача шахслараро муносабатларда камтарлик, тортинчоқлик, бировнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олишга мойиллик. 8-16 балларда тўла тобелик, ортиқча айбдорлик ҳисси, ўзини камситиш.

Мўмин қобил – қарам тобе. VI октант. 8 баллгача атрофдагиларнинг ишончи, ёрдами, уларнинг тан олишларига эҳтиёж, 8-16 баллгача юқори даражада мурасасозлик, атрофдагиларнинг фикрига тўла тобелик.

Ҳамкорлик қилувчи – келишувчи. VII октант. 8 баллгача референт гуруҳ билан тўла ҳамкорликка, атрофдагилар билан дўстона муносабатга интилиш. 8-16 балларда шахслараро муносабатларда шу ҳулқнинг ортиқча намоён бўлиши, ён бериш ҳулқи, атрофдагиларга ўз дўстлигини изҳор қилишда ўзини тута олмаслик, ўзини кўпчилик манфаатларига даҳлдорлигини таъкидлашга интилиш.

Масъулиятли, олий ҳиммат. VIII октант. 8 баллгача ривожланган масъулият ҳисси, яққол намоён бўлувчи атрофдагиларга ёрдам беришга тайёрликда кўринади. 8-16 баллар раҳмдиллик, меъёрдан ташқари илтифотлилик, установкаларнинг гиперсоциаллигини яққол ифодаловчи ўз манфаатларидан воз кечишлик.

